

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУФОВ МУХРИДДИН САИДОВИЧ**

**АМИНОФЕНОЛ ИЗОМЕРЛАРИНИ ХЛОРАЦЕТИЛЛАШ ВА  
ОЛИНГАН МАҲСУЛОТЛАР АСОСИДА СИНТЕЗЛАР**

**02.00.03 – Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Юсуфов Мухриддин Саидович**

Аминофенол изомерларини хлорацетиллаш ва олинган маҳсулотлар  
асосида синтезлар .....3

**Юсуфов Мухриддин Саидович**

Хлорацетилирование изомерных аминофенолов и синтеза на  
основе полученных продуктов.....21

**Yusufov Mukhriddin**

Chloroacetylation of isomeric aminophenols and syntheses on the base  
obtained products .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУФОВ МУХРИДДИН САИДОВИЧ**

**АМИНОФЕНОЛ ИЗОМЕРЛАРИНИ ХЛОРАЦЕТИЛЛАШ ВА  
ОЛИНГАН МАҲСУЛОТЛАР АСОСИДА СИНТЕЗЛАР**

**02.00.03 – Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/K118 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ik-kimyo.nuuz.uz](http://www.ik-kimyo.nuuz.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдушукуров Анвар Кабирович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Максумов Абдуҳамид Гафурович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Якубов Убайдулло Мажитович**  
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «02» феврал соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 227-12-24, факс (998 71) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: [d.gafurova@nuu.uz](mailto:d.gafurova@nuu.uz) ).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 227-12-24, факс (998 71) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: [chem0102@mail.ru](mailto:chem0102@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» январ куни тарқатилди.

(2021 йил «18» январ даги 1 рақамли реестр баённомаси).



**Х.Т. Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

**Т.С. Холиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, к.ф.д., доцент

## **Кириш (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ароматик углеводородлар, феноллар ва уларнинг эфирлари, карбон кислоталар ҳосилалари асосида синтез қилинадиган антибактериал ва анальгетик хоссали бирикмалар фармацевтикада, галоген, гидроксил, метиламино каби фаол гуруҳ тутган бирикмалар кишлок хўжалигида фунгицидлар сифатида, ароматик аминобирикмалар лак-бўёқ ва нефт-газ кимёси соҳаларида кенг миқёсда қўлланилмоқда. Бу туркум препаратларни синтез қилишда ароматик бирикмаларни хлорацетиллаш реакциялари алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда хлорацетилхлорид билан феноллар, ароматик углеводородлар ва гетероҳалқали бирикмаларни хлорацетиллаш реакциялари орқали мақсадли тадқиқотларни амалга оширилмоқда. Жумладан, асимметрик синтезлар учун реагентлар, субстратлар ва катализаторлар олиш, иммуностимуляторлар, диабет ва саратонга қарши фаолликка эга бўлган препаратлар яратиш, турли патоген микроорганизмларга қарши бактерицид хоссали бирикмаларни синтез қилишда юқори самара берадиган механизмларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Республикада анилин ва фенол ҳосилалари асосида кишлок хўжалигида ва тиббиётда қўллаш учун юқори самарали препаратларни синтез қилиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада рақобатбардош препаратларни табиий хом-ашёлар асосида, ҳамда синтетик органик кимё маҳсулотлари асосида яратиш борасида муҳим ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “касаллик ва зараркунандаларга чидамли, ҳамда юқори маҳсулдорликка эга кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, бунинг учун зарур бўлган илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада аминофенол изомерларини хлорацетиллаш ва олинган маҳсулотлар асосида нуклеофиль алмашилиш реакцияларини олиб бориш, уларнинг тузилишидаги ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, шу бирикмалар асосида биологик фаол моддаларни яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «Республикада 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ароматик углеводородларни хлорацетиллаш реакциялари органик кимёда кенг ўрганилган, хусусан хорижда ушбу йўналишда В.А. Катаев анилин ва унинг ҳосилаларини хлорацетиллаш реакцияларини олиб борган ва нозик органик синтезда қўллаш мумкин бўлган синтонлар синтез қилган, Knut Sommer хлорацетиллаш реакцияларида янги катализаторлар; Burkhard Matthes хлорацетилхлорид билан аренлар ҳосилаларни хлорацетиллаш реакциялари асосида инсектицидлар; Zainab Ramli ва Firas Zayed ацилбирикмалар, ҳалқасида электронодонор гуруҳлар тутган ароматик ва гетероциклик бирикмалар; Ullastiina Nakala ва В.Ф. Травень органик синтезларни ион суюқликлар ва микротўлқинлар ёрдамида промоторлаш; Michael Kraus фенолларни хлорацетиллаш асосида антоцианидинлар синтез қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борганлар. Республикамизда ароматик ва гетероҳалқали бирикмаларни хлорацетиллаш реакцияларини олиб бориш бўйича бир қатор етакчи олимлар илмий изланишлар олиб борганлар, жумладан И. П. Цукерваник, Н. Г. Сидорова, А. К. Абдушукуров ва бошқалар ароматик углеводородлар, крезоллар, гетероциклик бирикмалар фуран, тиофен, пиррол, карбазолларни хлорацетилхлорид билан реакцияларини ўрганишган ва улардан янги фунгицид ва гербицид фаолликка эга бўлган бирикмалар олишган.

Ароматик бирикмаларни хлорацетиллаш реакциялари ва реакция натижасида хлорацетил бирикмалар олиш усуллари ҳақидаги маълумотлар ҳозирги пайтдаги мавжуд илмий адабиётларда келтирилган, аммо аминофенолларнинг хлорацетилхлорид билан селектив хлорацетиллаш реакциялари ўрганилмаган. Мазкур диссертация иши маҳаллий хомашёлардан кенг фойдаланган ҳолда аминофенол изомерлари, 4-гидроксиацетанилидни хлорацетиллаш реакциялари асосида кимё саноатида, қишлоқ хўжалигида, тиббиётда фойдаланиш мумкин бўлган хлорацетил бирикмалар олиш, шунингдек кам миқдордаги Льюис кислоталари иштирокида ароматик бирикмаларни селектив хлорацетиллаш каби муаммоларни ечишга йўналтирилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФЗ-2017102476-рақамли «Изомер аминофенолларни хлорацетиллаш ва хлорацетил маҳсулотлар асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш» (2018-2019 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аминофенол изомерларини хлорацетиллаш реакциялари асосида олинган маҳсулотларни нуклеофил алмашилиш реакцияларини олиб бориш шунингдек уларнинг тузилишини ва биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аминофенол изомерларининг хлорацетил бирикмаларини олиш усулларини тадқиқ қилиш ва уларнинг хлорацетиллаш реакцияларидаги нисбий фаоллик қаторини аниқлаш;

аминофенол изомерларининг хлорацетиллаш реакцияларининг боришига ҳарорат, реакция давомийлиги, эритувчилар табиати, дастлабки моддалар нисбатининг таъсирини аниқлаш;

4-гидроксиацетанилидни хлорацетиллаш реакцияларида кам миқдордаги Льюис кислоталари ( $\text{FeCl}_3$ ,  $\text{MoCl}_5$ , ТАА) дан фойдаланиш ва реакция учун мақбул шароитларни топиш;

аминофенол изомерлари хлорацетил ҳосилаларининг крезоллар, псевдоэфедрин, цитизин алкалоидлари билан нуклеофил алмашилиш реакцияларининг мақбул шароитларини аниқлаш;

реакциялар натижасида олинган органик бирикмаларнинг тузилишини физик кимёвий усуллар ёрдамида исботлаш ва уларнинг қўлланилиш соҳаларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** орто-, мета- ва пара- аминофеноллар, Льюис кислоталари, хлорацетилхлорид, цитизин, псевдоэфедрин, фенолятлар, 4-гидроксиацетанилид ва улар асосида синтез қилинган маҳсулотлардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** N-хлорацетиллаш, O-хлорацетиллаш, ароматик ҳалқада электрофил алмашилиш, изомерланиш ва нуклеофил алмашилиш реакциялари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида юпка қатламли ва колонкали хроматографик анализ, УБ-, ИҚ-, ПМР-спектроскопия каби замонавий усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор аминофенол изомерларини хлорацетиллаш реакцияларида паст ҳароратларда селектив N-хлорацетил маҳсулотлар, юқори ҳароратларда эса N- ва O-хлорацетил маҳсулотлар ҳосил бўлиши аниқланган;

аминофенол изомерларининг хлорацетиллаш реакцияларидаги реакция қобилятиларининг o-аминофенол < m-аминофенол < p-аминофенол қаторида ортиб бориши аниқланган;

4-гидрокси ацетанилидни хлорацетиллаш реакциялари  $\text{FeCl}_3$ ,  $\text{MoCl}_5$ , ТАА катализаторлари иштирокида олиб борилганида O- ва C-хлорацетил маҳсулотларнинг аралашмаси ҳосил бўлиши,  $\text{FeCl}_3$  қўлланилганда эса юқори унум билан O-хлорацетил маҳсулотлар ҳосил бўлиши аниқланган;

илк бора аминофенол изомерларининг N-хлорацетил маҳсулотларини m-крезол, цитизин ва псевдоэфедрин алкалоидлари билан реакциялари натижасида биологик фаол бирикмалар синтез қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

аминофенол изомерларини хлорацетилхлорид билан реакциялари натижасида N- ва O-алмашиланган хлорацетил ҳосилалар олинган ва N-хлорацетил ҳосилаларнинг м-крезол, цитизин, псевдоэфедрин билан нуклеофил алмашиниш реакцияларидан юқори унумлар билан маҳсулотлар синтез қилинган;

4-гидроксиацетанилидни кам миқдордаги катализаторлар  $FeCl_3$ ,  $MoCl_5$ , ТАА иштирокида хлорацетиллаш реакциялари натижасида O- ва C-хлорацетил маҳсулотлар олинган;

синтез қилинган 2-хлор-N-(3-гидроксифенил)ацетамид, 2-хлор-N-(4-гидроксифенил)ацетамид ва N-(2-гидроксифенил)-2-(м-толилокси)ацетамидларнинг *Bacillus subtilis*, *Staphylococcus aureus* грамммулдат ва *Pseudomonas aeruginosa*, *Escherichia coli* граммманфий бактерияларга қарши бактерицидлик хоссани намоён қилиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган хроматография, физик-кимёвий усуллар УБ-ИҚ-, ПМР-, масс-спектроскопия, рентген тузилиш таҳлили ёрдамида исботланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аминофенол изомерларини селектив N-хлорацетиллаш, N- ва O-хлорацетиллаш, кам миқдордаги Льюис кислоталари  $FeCl_3$ ,  $MoCl_5$ , ТАА иштирокида O- ва C-хлорацетиллаш, янги синтез қилинган N-хлорацетил бирикмаларнинг м-крезол, цитизин ва псевдоэфедрин билан нуклеофил алмашиниш реакциялари олиб борилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аминофенол изомерларининг хлорацетиллаш ва хлорацетил бирикмаларнинг нуклеофил алмашиниш реакциялари натижасида 20 дан ортиқ янги органик моддалар синтез қилинганлиги, синтез қилинган бирикмалар орасида юқори бактерицидлик, фунгицидлик фаолликка эга моддалар борлиги ва уларнинг кейинги амалий тадқиқотлар учун изланиш объекти бўла олиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аминофенол изомерларини хлорацетиллаш реакциялари ва олинган N-хлорацетил бирикмаларнинг нуклеофил алмашиниш реакциялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

N-(4-гидроксифенил)-2-(м-толилокси)ацетамид ва N-(3-гидроксифенил)-2-(м-толилокси)ацетамид метал конструкцияларнинг биокоррозиясига қарши ингибитор сифатида “Муборак газни қайта ишлаш заводи” да амалиётга жорий этилган (“Муборак газни қайта ишлаш заводи” АЖ нинг 2020 йил 30 апрелдаги 469/ГК-04 сон маълумотномаси). Натижада ушбу биоингибиторлар метал конструкция ва қурилмаларининг эксплуатацион хоссаларини ошириш имконини берган;



аминофенол изомерларини хлорацетиллаш реакциялари асосида олинган хлорацетил бирикмалар МУ-ФЗ-20171025169 рақамли “Нафтолларнинг аллил эфирлари изомерланиши тадқиқотлари” мавзусидаги ёш олимлар фундаментал лойиҳасида фенил аллил эфирларини олишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 30 июндаги 89-03-2337 сон маълумотномаси). Натижада юқори бактерицидлик хоссасига эга бўлган фенол ҳосилаларини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа (PhD) докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Анилин ва фенол ҳосилаларини ациллаш реакциялари**» деб номланган **биринчи бобида** мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларда ациллаш реакцияларининг бориш шароитлари, катализаторларнинг роли, ацилловчи реагентлар табиатининг реакциялар йўналишларига таъсири каби маълумотлар таҳлили келтирилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ва улар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.


Диссертациянинг «**Аминофенол изомерларини хлорацетиллаш реакциялари**» деб номланган **иккинчи бобида** аминофенол изомерларини N-, O-, C-хлорацетиллаш бўйича тадқиқот натижалари муҳокамаси келтирилган.

Аминофенол изомерларини N-хлорацетиллаш реакциялари боришига эритувчиларнинг таъсири ўрганилган, реагентлар бир хил моль нисбатида

олинган ва  $-2^{\circ}\text{C}$  дан паст ҳароратда реакциялар олиб борилган. Реакциялар куйидаги тенглама бўйича боради.



Реакциялар нуклеофил алмашиниш механизми бўйича боради.



Реакциянинг тезлиги нуклеофил реагентларнинг кучига боғлиқ бўлади.

1-жадвал

**Аминофенол изомерларини хлорацетилхлорид билан реакциялари тезлиги ва унумига эритувчиларнинг таъсири**

№	Реагентларнинг моль нисбатлари	Эритувчи	Реакция давомийлиги, соат.	Маҳсулот унуми, %.
1	о- Аминофенол: ХАХ: K <sub>2</sub> CO <sub>3</sub> 1:1:1.	Ацетонитрил	4	84
2		Ацетон	6	75
3		1,4- Диоксан	5	85
4		Хлороформ	5	82
5	м- Аминофенол: ХАХ: K <sub>2</sub> CO <sub>3</sub> 1:1:1.	Ацетонитрил	3	90
6		Ацетон	4	85
7		1,4- Диоксан	4	87
8		Хлороформ	5	85
9	п- Аминофенол: ХАХ: K <sub>2</sub> CO <sub>3</sub> 1:1:1.	Ацетонитрил	2	92
10		Ацетон	4	84
11		1,4- Диоксан	3	88
12		Хлороформ	3	85

Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, аминофенол изомерларининг реакция фаоллиги куйидаги қаторда ортиб боради:

о-аминофенол < м-аминофенол < п-аминофенол

Олинган маҳсулотларнинг тузилиши Масс- <sup>1</sup>H ЯМР, <sup>13</sup>C ЯМР спектроскопик усуллари ёрдамида тасдиқланди.

о-Аминофенолни хлорацетиллаш реакцияси маҳсулоти 2-Хлоро-N-(2-гидроксифенил)ацетамиднинг ЯМР спектри натижалари куйидагича: <sup>1</sup>H ЯМР (400 МГц; ДМСО-d<sub>6</sub>) δ: 4.438 (с, 2H, CH<sub>2</sub>), 6.80- 6.75 (м, 1H, CH), 6.88 (дд, J = 8.0, 1.3 Гц, 1H, CH), 6.98- 6.93 (м, 1H, CH), 7.88 (д, J = 7.8 Гц, 1H, CH), 9.42 (с, 1H, NH), 9.94 (с, 1H, OH);

$^{13}\text{C}$  ЯМР (100 МГц, ДМСО- $d_6$ )  $\delta$ : 43.37 ( $\text{CH}_2$ ), 115.16 ( $\text{CH}$ ), 118.95 ( $\text{CH}$ ), 121.62 ( $\text{CH}$ ), 124.85 ( $\text{CH}$ ), 125.60 ( $\text{COH}$ ), 147.62, 164 ( $\text{CO}$ );

Масс- спектри:  $\text{C}_8\text{H}_8\text{O}_2\text{NCl}$  учун ҳисоблангани:185,0243, аниқланди: 186,0317;

m-Аминофенолни N-хлорацетиллаш реакцияси маҳсулоти 2-Хлоро-N-(3-гидроксифенил)ацетамиднинг ЯМР спектри натижалари қуйидагича:  $^1\text{H}$  ЯМР (400 МГц; ДМСО- $d_6$ )  $\delta$ : 4.22 (с, 2H,  $\text{CH}_2$ ), 6.48 (ддд,  $J = 8.1, 2.3, 0.8$  Гц, 1H,  $\text{CH}$ ), 6.94 (ддд,  $J = 8.1, 1.9, 0.9$  Гц, 1H,  $\text{CH}$ ), 7.09 (т,  $J = 8.1$  Гц, 1H,  $\text{CH}$ ), 7.17 (т,  $J = 2.1$  Гц, 1H,  $\text{CH}$ ), 9.46 (с, 1H,  $\text{NH}$ ), 10.17 (с, 1H,  $\text{OH}$ );

$^{13}\text{C}$  ЯМР (100 МГц, ДМСО- $d_6$ )  $\delta$ : 43.69 ( $\text{CH}_2$ ), 106.41 ( $\text{CH}$ ), 110.03 ( $\text{CH}$ ), 110.98 ( $\text{CH}$ ), 129.57 ( $\text{CH}$ ), 139.52 ( $\text{CN}$ ), 157.69 ( $\text{COH}$ ), 164.48 ( $\text{CO}$ );


Масс- спектри:  $\text{C}_8\text{H}_8\text{O}_2\text{NCl}$  учун ҳисоблангани:185,0243, аниқланди: 186,0318;

p-Аминофенолни хлорацетиллаш реакцияси маҳсулоти 2-Хлоро-N-(4-гидроксифенил)ацетамиднинг спектр маълумотлари қуйидагича.  $^1\text{H}$  ЯМР (400 МГц, ДМСО -  $d_6$ )  $\delta$ : 4.18 (с, 2H,  $\text{CH}_2$ ), 6.71 (д,  $J = 8.8$  Гц, 2H,  $\text{CH}$ ), 7.36 (д,  $J = 8.8$  Гц, 2H,  $\text{CH}$ ), 9.26 (с, 1H,  $\text{CH}$ ), 9.26 (с, 1H,  $\text{NH}$ ), 10.02 (с, 1H,  $\text{OH}$ );

$^{13}\text{C}$  ЯМР (100 МГц, ДМСО- $d_6$ )  $\delta$ : 43.51 ( $\text{CH}_2$ ), 115.16 ( $\text{CH}$ ), 115.16 ( $\text{CH}$ ), 121.15 ( $\text{CH}$ ), 121.15 ( $\text{CH}$ ), 130.04 ( $\text{CN}$ ), 153.77( $\text{COH}$ ), 163.90 ( $\text{CO}$ );

Масс- спектри:  $\text{C}_8\text{H}_8\text{O}_2\text{NCl}$  учун ҳисоблангани:185,0243, аниқланди: 186,0318;


Аминофенол изомерларининг молекуласидаги иккинчи реакцион марказ –ОН гуруҳи бўлиб унинг ҳисобига олиб бориладиган реакцияларни ўрганиш мақсадида аминофенол изомерларининг хлорацетилхлорид билан 1:2 моль нисбатидаги реакциялари турли эритувчилар иштирокида ўрганилди. Реакциялар қуйидаги тенглама бўйича боради:



Таҷрибалар давомида аминофенол изомерларининг хлорацетилхлорид билан 1:2 моль нисбатларидаги реакцияларига эритувчиларнинг таъсири ўрганилган ва ушбу реакциялар учун энг қулай эритувчи ацетонитрил эканлиги аниқланган.

Реакция механизми қуйидагича таклиф этилди: аминофенол молекуласидаги –ОН гуруҳи ва хлорацетилхлориднинг реакцияси вақтида хлорацетилхлорид молекуласида электрон зичлик электроманфий кислород томон силжиган бўлади ва кислород қисман манфий зарядга эга бўлади. Электроманфий хлор ва кислород атомларининг таъсири натижасида углерод атоми эса қисман мусбат зарядга эга бўлади ва аминофенол молекуласидаги гидроксил гуруҳнинг жуфт электронлари билан таъсирлашиб, оралик комплексни ҳосил қилади. Реакция давомида кислород ва углерод ўртасида

ковалент боғи ҳосил бўлиб, янги комплекс ҳосил бўлади ва ундан водород хлорид билан реакция маҳсулоти ажралиб чиқади.



Олинган маҳсулотларнинг физик- кимёвий катталиклари аниқланди.

о-Аминофенолнинг хлорацетиллаш маҳсулоти 2-(2-хлороацетоамидо)фенил-2-хлорацетат оқ рангли аморф модда.  $T_{\text{суюк}} = 130-132^{\circ}\text{C}$ ,  $R_f = 0,53$  (Система: гексан:этилацетат 1:1). Унинг ИҚ – спектрида  $3305\text{ см}^{-1}$  соҳада N-H боғининг валент тебранишлари,  $1657\text{ см}^{-1}$  соҳада C=O боғининг валент тебраниши,  $1756\text{ см}^{-1}$  соҳада Ar-COO-R гуруҳининг симметрик валент тебраниши,  $750\text{ см}^{-1}$  соҳада C-Cl валент тебранишлари кузатилган.


м-Аминофенолнинг хлорацетиллаш реакцияси маҳсулоти 3-(2-хлороацетоамидо)фенил-2-хлорацетат қўнғир рангли аморф кристал модда.  $T_{\text{суюк}} = 124-125^{\circ}\text{C}$ ,  $R_f = 0,47$  (Система: гексан:этилацетат 1:1) ИҚ– спектрида  $3305\text{ см}^{-1}$  соҳада N-H боғининг валент тебранишлари,  $1658\text{ см}^{-1}$  соҳада C=O боғининг валент тебраниши,  $1738\text{ см}^{-1}$  соҳада Ar-COO-R гуруҳининг симметрик валент тебраниши,  $871\text{ см}^{-1}$  соҳада C-Cl валент тебранишлари кузатилди.

п-Аминофенолнинг хлорацетиллаш реакцияси маҳсулоти 4-(2-хлороацетоамидо)фенил-2-хлорацетат оқ рангли аморф модда.  $T_{\text{суюк}} = 149-150^{\circ}\text{C}$ ,  $R_f = 0,64$  (Система: гексан:этилацетат 1:1). Унинг ИҚ–спектрида  $3316\text{ см}^{-1}$  соҳада N-H боғининг валент тебранишлари,  $1657\text{ см}^{-1}$  соҳада C=O боғининг валент тебраниши,  $1892\text{ см}^{-1}$  соҳада Ar-COO-R гуруҳининг симметрик валент тебраниши  $769\text{ см}^{-1}$  соҳада C-Cl валент тебранишлари кузатилди.

Олиб борилган тадқиқотлар кўрсатадики, аминокфенол изомерларининг хлорацетилхлорид билан 1:2 моль нисбатидаги реакцияларида N- ва O-хлорацетил маҳсулотлар ҳосил бўлиши аниқланди.

*4-Гидроксиацетанилидни Льюис кислоталари иштирокида хлорацетиллаш реакциялари.*

4-Гидроксиацетанилидни Льюис кислоталари  $\text{FeCl}_3$ , ТАА,  $\text{MoCl}_5$  иштирокида хлорацетиллаш реакциялари ва реакцияларнинг боришига эритувчиларнинг таъсири ва катализаторларнинг табиати ўрганилди. Реакция катализаторлар иштирокида қуйидагича боради:



Реакциялар дастлаб катализаторсиз эритувчида олиб борилди, бунда фақат 4-гидроксиацетанилиднинг О-хлорацетилланган маҳсулоти ҳосил бўлиши кузатилди. Реакциялар учун эритувчилар сифатида хлороформ, ацетон, дихлорэтан танлаб олинди. Реакция натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

2- Жадвал

**4-Гидроксиацетанилиднинг хлорацетилхлорид билан катализаторсиз шароитдаги реакциялари натижалари**

Реагентларнинг моль нисбатлари	Реагентлар моль нисбатлари	Ҳарорат, °С	Эритувчи	Реакция унуми, %
4-Гидрокси-ацетанилид:ХАХ	1 : 1	60-61	хлороформ	86
4-Гидрокси-ацетанилид:ХАХ	1 : 1	55-56	ацетон	75
4-Гидрокси-ацетанилид:ХАХ	1 : 1	83-84	дихлорэтан	79

Кейинги тажрибаларда кам миқдордаги Льюис кислоталари иштирокида реакциялар олиб борилди, катализатор сифатида FeCl<sub>3</sub>, ТАА, MoCl<sub>5</sub> лардан фойдаланилди. Реакция натижалари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.





3- Жадвал

**4-Гидроксиацетанилиднинг хлорацетилхлорид билан FeCl<sub>3</sub>, ТАА, MoCl<sub>5</sub> иштирокидаги реакциялари натижалари**

№	Реагентларнинг моль нисбатлари 4-Гидроксиацетанилид: ХАХ: катализатор	Катализатор	Реакция давомийлиги, соат	Ҳарорат, °С	4-Ацетамидо фенил-2-хлорацетат	N-(3-(2-хлорацетил)-4-гидроксифенил)ацетамид
1	1:1:1,5·10 <sup>-3</sup>	FeCl <sub>3</sub>	3	60-61	70	15
2	1:1:3·10 <sup>-3</sup>		3	60-61	75	18
3	1:1:4,5·10 <sup>-3</sup>		3	60-61	76	18
4	1:1:1,5·10 <sup>-3</sup>	ТАА	3	60-61	56	25
5	1:1:3·10 <sup>-3</sup>		3	60-61	63	24
6	1:1:4,5·10 <sup>-3</sup>		3	60-61	63	25
7	1:1:1,5·10 <sup>-3</sup>	MoCl <sub>5</sub>	3	60-61	48	25
8	1:1:3·10 <sup>-3</sup>		3	60-61	54	26
9	1:1:4,5·10 <sup>-3</sup>		3	60-61	55	27

Реакция маҳсулотлари таҳлили кўрсатадики, катализатор сифатида ТАА қўлланилганида хлорацетиллаш реакциялари ароматик ҳалқадаги углерод атомига бориши кузатилди.

Реакция қуйидаги механизм бўйича боради. Реакция ароматик ҳалқага борганида хлорацетиллаш реакциялари электрофил алмашиниш механизми бўйича бориб, реакция тезлигини белгиловчи босқич  $\sigma$ -комплекс (III) ҳосил бўлиш босқичи ҳисобланади. Реакция маҳсулоти бўлган кетон таркибидаги карбонил гуруҳининг кислород атоми катта асосликка эга бўлгани сабабли, унинг  $AlCl_3$  билан ҳосил қилган комплекси қарорли бўлади. Шунинг учун ациллашда ишлатиладиган катализаторнинг миқдори 1-2,5 моль атрофида бўлади. Катализатор сифатида  $FeCl_3$ , ТАА,  $MoCl_5$  ва бошқа металл тузлари олиниб реакция юқори ҳароратда олиб борилса ( $100-250^{\circ}C$ ), реакция маҳсулоти бўлган кетон билан катализатор ҳосил қилган комплекс (III комплекс) қарорсиз бўлади ва у юқори ҳароратда парчаланиб, катализатор галогенангидрид билан боғланади (IV) ва реакция маҳсулоти эркин ҳолда ажралиб чиқади:



IV Босқичда галогеннинг манфий индукцион таъсири туфайли кетон билан катализатор комплекси орасидаги қарорлик камаяди, ҳамда реакциянинг юқори ҳароратда олиб борилиши ҳам бу комплекснинг парчаланишига ва хлорацетиллаш реакциясининг боришига қулайлик яратади.

Реакциялар натижасида олинган маҳсулотларнинг физик-кимёвий катталиклари аниқланди.

О-хлорацетиллаш реакцияси маҳсулоти 4-ацетидафенил-2-хлорацетат оч сариқ рангли аморф модда.  $T_{суюқ} = 135-136^{\circ}C$ ,  $R_f = 0,46$  (Система: гексан:этилацетат 1:1). ИҚ-спектрида  $2916\text{ см}^{-1}$  соҳада N-H боғининг валент тебранишлари,  $1652\text{ см}^{-1}$  соҳада C=O боғининг валент тебраниши,  $1593\text{ см}^{-1}$  соҳада Ar-COO-R гуруҳининг симметрик валент тебраниши кузатилиши ушбу маҳсулотнинг О-хлорацетил маҳсулот


эканлигини кўрсатади,  $752\text{ см}^{-1}$  соҳада C-Cl боғининг деформацион тебранишлари кузатилди.

C-хлорацетиллаш реакцияси маҳсулоти N-(3-(2-хлорацетил)-4-гидроксифенил)ацетамид оқ рангли аморф модда.  $T_{\text{суюқ}} = 140-142^{\circ}\text{C}$ ,  $R_f = 0,67$  (Система: гексан:этилацетат 1:1) Унинг ИҚ – спектрида  $3175\text{ см}^{-1}$  соҳада N-H боғининг валент тебранишлари,  $1654\text{ см}^{-1}$  соҳада C=O боғининг валент тебраниши,  $3367\text{ см}^{-1}$  соҳада OH боғининг симметрик валент тебранишлари ушбу маҳсулот таркибида OH гуруҳи борлигини исботлайди,  $814\text{ см}^{-1}$  ўрта соҳада C-Cl боғининг деформацион тебранишлари,  $1654\text{ см}^{-1}$  соҳада ароматик кетонларга хос тебранишлар,  $1459\text{ см}^{-1}$  соҳада метилен гуруҳининг валент тебранишлари,  $1219\text{ см}^{-1}$  соҳада ароматик ҳалқадаги C-H боғининг деформацион тебранишлари кузатилди.

“Аминофенол изомерларини хлорацетиллаш маҳсулотлари асосида синтезлар” деб номланган иккинчи бобнинг иккинчи қисми синтез қилинган хлорацетил бирикмаларнинг нуклеофиль алмашиниш реакцияларини ўрганишга бағишланган.

Аминофенол изомерларини N-хлорацетиллаш реакциялари маҳсулотларининг крезоллар билан реакциялари. Изомер аминофенолларни хлорацетилхлорид билан реакциялари натижасида N-хлорацетил маҳсулотлар синтез қилинди ва уларнинг биологик фаоллигини ўрганиш мақсадида м-крезолнинг натрийли тузи билан N-хлорацетил маҳсулотларнинг нуклеофиль алмашиниш реакциялари олиб борилди. Бунинг учун м-крезолнинг натрий метали билан реакциялари асосида тегишли фенолят синтез қилинди.

Олинган фенолят билан аминофенол изомерларининг N-хлорацетиллаш маҳсулотларининг реакциялари ўрганилди. Бу реакциялар этанол, ДМФА, ацетон каби эритувчиларда олиб борилди.



Аминофенол изомерларидан п-ҳолатида OH-гуруҳи тутган бирикманинг нуклеофиль алмашиниш реакцияларига осон киришиши аниқланди.

Олинган маҳсулотлар: N-(2-гидроксифенил)-2-(м-толилокси)ацетамид оч сариқ рангли аморф модда.  $T_{\text{суюқ}} = 152-153^{\circ}\text{C}$ ,  $R_f = 0,74$  (система: гексан:этилацетат 1:1). ИҚ–спектрида  $3130\text{ см}^{-1}$  соҳада N-H боғининг деформацион,  $2918\text{ см}^{-1}$  соҳада OH боғининг валент тебранишлари,  $1689\text{ см}^{-1}$  соҳада C=O боғининг валент тебраниши,  $1217\text{ см}^{-1}$  соҳада ароматик оддий эфирларга хос тебранишлар,  $1400\text{ см}^{-1}$  соҳада метилен гуруҳининг валент тебранишлари.  $1054\text{ см}^{-1}$  соҳада ароматик ҳалқадаги C-H боғининг валент тебранишлари намоён бўлади.


**Аминофенол изомерларини N- хлорацетиллаш маҳсулотларининг м-крезолнинг натрийли тузи билан реакциялари унумига эритувчиларнинг таъсири**

№	Реагентларнинг моль нисбатлари	Эритувчи	Реакция ҳарорати, °С.	Реакция давомийлиги, соат.	Маҳсулот унуми, %.
1	2-хлоро-N-(2-гидроксифенил)ацетамид, м-крезолнинг натрийли тузи, триэтиламин. 1:1:1.	Этанол	78	8	69
2		Ацетон	56	6	75
3		ДМФА	40	3	85
4		ДМФА	100	2	82
5	2-хлоро-N-(3-гидроксифенил)ацетамид, м-крезолнинг натрийли тузи, триэтиламин. 1:1:1.	Этанол	78	7	75
6		Ацетон	56	5	85
7		ДМФА	40	3	90
8		ДМФА	100	2	87
9	2-хлоро-N-(4-гидроксифенил)ацетамид, м-крезолнинг натрийли тузи, триэтиламин. 1:1:1.	Этанол	78	6	77
10		Ацетон	56	5	84
11		ДМФА	40	3	93
12		ДМФА	100	2	86

N-(3-гидроксифенил)-2-(м-толилокси)ацетамид оч сарик рангли аморф модда.  $T_{\text{суюк}} = 164-165^{\circ}\text{C}$ ,  $R_f = 0,61$  (система: гексан:этилацетат 1:1). ИҚ-спектрида  $3390\text{ см}^{-1}$  соҳада N-H гуруҳининг валент тебранишлари,  $2912\text{ см}^{-1}$  соҳада ОН боғининг валент тебранишлари,  $1656\text{ см}^{-1}$  соҳада C=O боғининг валент тебраниши,  $1238\text{ см}^{-1}$  соҳада ароматик оддий эфирларга хос тебранишларини кузатиш мумкин.

N-(4-гидроксифенил)-2-(м-толилокси)ацетамид оч сарик рангли аморф модда.  $T_{\text{суюк}} = 159-160^{\circ}\text{C}$ ,  $R_f = 0,7$  (система: гексан:этилацетат 1:1). Унинг ИҚ-спектрида  $3130\text{ см}^{-1}$  соҳада N-H боғининг валент тебранишлари,  $2902\text{ см}^{-1}$  соҳада ОН боғининг валент тебранишлари,  $1689\text{ см}^{-1}$  соҳада C=O боғининг валент тебранишлари кузатилди.

Аминофенол изомерларини N-хлорацетиллаш маҳсулотларининг цитизин билан нуклеофиль алмашилиш реакциялари. Кейинги реакцияларда нуклеофиль реагент сифатида цитизин алкалоидини танлаб олинди, бунинг сабаби цитизин молекуласидаги N-H гуруҳи нуклеофиль алмашилиш реакцияларига осон киришади. Шунингдек цитизин узоқ йиллардан буён чекишга қарамликка қарши юқори самарали дори воситаси сифатида кенг қўлланиб келинмоқда. Шу мақсадда олинган хлорацетил маҳсулотларни цитизин билан нуклеофиль алмашилиш реакцияларининг боришига эритувчилар таъсири ўрганилди. Реакциялар қуйидагича боради:



Эритувчи сифатида нуклеофиль алмашилиш реакциялари боришини осонлаштирувчи ДМФА, ацетон, 1,4-диоксан танлаб олинди, реакция аралашмада ҳосил бўладиган HCl ни боғловчи сифатида триэтиламин



қўлланилди. Реакциялар ацетон, 1,4-диоксанда эритувчиларнинг қайнаш ҳароратида, ДМФА да эса 20<sup>0</sup>С, 40<sup>0</sup>С да олиб борилди. Реакция бориши ва давомийлиги ЮҚХ да текшириш орқали аниқланди.

Жадвалдан кўринадики 2-хлоро-N-(2-гидроксифенил)ацетамид билан олиб борилган реакцияларда маҳсулотларнинг унуми нисбатан паст бўлади, буни қўшимча реакция сифатида, кутбли эритувчилар таъсирида 2-хлоро-N-(2-гидроксифенил)ацетамидда ички молекуляр халқаланиш реакциялари бориши билан тушунтириш мумкин.


5-жадвал

**Изомер аминофенолларни N- хлорацетиллаш маҳсулотларининг цитизин билан реакциялари унумига эритувчиларнинг таъсири**

№	Реагентларнинг моль нисбатлари	Эритувчи	Реакция ҳарорати, <sup>0</sup> С.	Реакция давомийлиги, соат.	Маҳсулот унуми, %.
1	2-хлоро-N-(2-гидроксифенил)ацетамид, цитизин, триэтиламин. 1:1:1.	Ацетон	56	7	65
2		1,4- Диоксан	101	5	60
3		ДМФА	20	6	73
4		ДМФА	40	4	71
5	2-хлоро-N-(3-гидроксифенил)ацетамид, цитизин, триэтиламин. 1:1:1.	Ацетон	56	6	88
6		1,4- Диоксан	101	3	86
7		ДМФА	20	4	91
8		ДМФА	40	2,5	92
9	2-хлоро-N-(4-гидроксифенил)ацетамид, цитизин, триэтиламин. 1:1:1.	Ацетон	56	5,5	90
10		1,4- Диоксан	101	3	88
11		ДМФА	20	3,5	95
12		ДМФА	40	2	95

Синтез қилинган 2-хлор-(N-2-гидроксифенил)ацетамиднинг цитизин билан реакцияси маҳсулоти оқ рангли аморф модда. T<sub>суюқ</sub> = 161-162<sup>0</sup>С, R<sub>f</sub> = 0,41 (система: метанол:этилацетат 1:1) ИҚ– спектрида 2943 см<sup>-1</sup> соҳада N-H боғининг валент тебранишлари, 1645 см<sup>-1</sup> соҳада C=O боғининг валент 1359 см<sup>-1</sup> соҳада учламчи аминларга ҳос валент тебранишлари кузатилди.


2-хлор-(N-3-гидроксифенил)ацетамиднинг цитизин билан реакцияси маҳсулоти оқ рангли кристалл модда. T<sub>суюқ</sub> = 168-169<sup>0</sup>С, R<sub>f</sub> = 0,52 (система: метанол:этилацетат 1:1). Реакция маҳсулоти этанолда қайта кристаллаб монокристаллари олинди.



1-Расм: 2-хлор-(N-3-гидроксифенил)ацетамиднинг цитизин билан реакцияси маҳсулоти молекуласининг кристалдаги кўриниши.

2-хлор-(N-4-гидроксифенил)ацетамиднинг цитизин билан реакцияси маҳсулоти оқ рангли кристалл модда. T<sub>суюқ</sub> = 184-185<sup>0</sup>С, R<sub>f</sub> = 0,58 (система:


метанол:этилацетат 1:1). Реакция маҳсулоти этанолда қайта кристаллаб монокристаллари олинди.



2-Расм: 2-хлор-(N-4-гидроксифенил)ацетамиднинг цитизин билан реакцияси маҳсулоти молекуласининг кристалдаги кўриниши.

*Аминофенол изомерларини N-хлорацетиллаш маҳсулотларининг псевдоэфедрин билан нуклеофиль алмашиниш реакциялари.*

Тадқиқотларни давомида N-нуклеофиллардан булган псевдоэфедрин билан хлорацетил маҳсулотларнинг реакциялари ўрганилди. Псевдоэфедрин адреномиметик, бронхкенгайтирувчи, антиконгестив доривор модда бўлиб, унинг асосида кўплаб доривор моддалар синтез қилиб олинган. Олинган хлорацетил маҳсулотларнинг псевдоэфедрин билан нуклеофиль алмашиниш реакциялари ва уларнинг боришига эритувчилар таъсири ўрганилди. Реакциялар қуйидагича боради:



6-жадвал

**Изомер аминофенолларни N-хлорацетиллаш маҳсулотларининг псевдоэфедрин билан реакциялари унумига эритувчиларнинг таъсири**

№	Реакцион аралашма	Эритувчи	Реакция ҳарорати, °С.	Реакция давомийлиги, соат.	Маҳсулот унуми, %.
1	2-хлоро-N-(2-гидроксифенил)ацетамид, псевдоэфедрин, триэтиламин. 1:1:1.	Ацетон	56	7	65
2		1,4-Диоксан	101	5	60
3		ДМФА	20	6	73
4		ДМФА	40	4	71
5	2-хлоро-N-(3-гидроксифенил)ацетамид, псевдоэфедрин, триэтиламин. 1:1:1.	Ацетон	56	6	88
6		1,4-Диоксан	101	3	86
7		ДМФА	20	4	91
8		ДМФА	40	2,5	92
9	2-хлоро-N-(4-гидроксифенил)ацетамид, псевдоэфедрин, триэтиламин. 1:1:1.	Ацетон	56	5,5	90
10		1,4-Диоксан	101	3	88
11		ДМФА	20	3,5	95
12		ДМФА	40	2	95

Тажрибалардан кўринадики, эритувчи сифатида ДМФА дан фойдаланилганида реакция маҳсулоти юқори унум билан ҳосил бўлади буни ДМФА нинг протонни юқори даражада солватлаш хусусиятига эга эканлиги билан тушунтириш мумкин. Реакция маҳсулотлари ажратиб олинди ва уларнинг физик кимёвий катталиклари аниқланди.

2-Хлор-(N-2-гидроксифенил)ацетамиднинг псевдоэфедрин билан реакцияси маҳсулоти оқ рангли аморф модда.  $T_{\text{суюк}} = 174-175^{\circ}\text{C}$ ,  $R_f = 0,71$  (система: метанол:этилацетат 1:1). ИҚ–спектрида  $3059\text{ см}^{-1}$  соҳада ОН боғининг валент тебранишлари,  $1689\text{ см}^{-1}$  соҳада  $\text{C}=\text{O}$  боғининг валент тебранишлари,  $3130\text{ см}^{-1}$  соҳада N-H боғининг деформацион тебранишлари,  $1309\text{ см}^{-1}$  соҳада учламчи аминларга ҳос деформацион тебранишлари кузатилди.

2-Хлор-(N-3-гидроксифенил)ацетамиднинг псевдоэфедрин билан реакцияси маҳсулоти оқ рангли аморф модда.  $T_{\text{суюк}} = 187-188^{\circ}\text{C}$ ,  $R_f = 0,75$  (система: метанол:этилацетат 1:1). ИҚ–спектрида  $2972\text{ см}^{-1}$  соҳада ОН боғининг валент тебранишлари,  $1600\text{ см}^{-1}$  соҳада  $\text{C}=\text{O}$  боғининг валент тебранишлари,  $3203\text{ см}^{-1}$  соҳада N-H боғининг деформацион тебранишлари,  $1375\text{ см}^{-1}$  соҳада учламчи аминларга ҳос тебранишлари кузатилди.

2-Хлор-(N-4-гидроксифенил)ацетамиднинг псевдоэфедрин билан реакцияси маҳсулоти оқ рангли аморф модда.  $T_{\text{суюк}} = 196-197^{\circ}\text{C}$ ,  $R_f = 0,69$  (система: метанол:этилацетат 1:1). ИҚ–спектрида  $3325\text{ см}^{-1}$  соҳада ОН боғининг валент тебранишлари,  $1643\text{ см}^{-1}$  соҳада  $\text{C}=\text{O}$  боғининг валент тебранишлари,  $3172\text{ см}^{-1}$  соҳада N-H боғининг деформацион тебранишлари,  $1311\text{ см}^{-1}$  соҳада учламчи аминларга ҳос тебранишлари кузатилди.

«Хлорацетил бирикмалар ва улар асосида синтез қилинган моддаларнинг амалиётда қўлланилиши». деб номланган иккинчи бобнинг учинчи қисмида хлорацетил бирикмалар ва улар асосида синтез қилинган моддаларнинг шартли патоген бактерияларга ва замбуруғларга қарши активлиги ЎЗРФА Ўсимлик моддалари кимёси институти Молекуляр генетика лабораторияси ходимлари билан ҳамкорликда ўрганилган.

Ўтказилган тестлар натижаси шуни кўрсатадики, синтез қилинган хлорацетил бирикмалардан 2-хлор-N-(3-гидроксифенил)ацетамид ва 2-хлор-N-(4-гидроксифенил)ацетамид грамм- мусбат бактериялардан *Bacillus subtilis* ва *Staphylococcus aureus*га қарши юқори биологик фаолликни (8-14 мм), грамм- манфий бактерия *E.coli*га қарши кучсиз фаолликни (6-12 мм) намоён этиши аниқланган.

Диссертациянинг “**Аминофенол изомерларини хлорацетиллаш ва олинган маҳсулотларнинг нуклеофиль алмашилиш реакциялари**” деб номланган учинчи боби тажрибалар қисми бўлиб, унда фойдаланилган реагентлар, тадқиқот усуллари, аминофенол изомерларининг N-хлорацетиллаш реакциялари, аминофенол изомерлари ва хлорацетилхлориднинг 1:2 моль нисбатидаги реакциялари, 4-гидроксиацетанилидни кам миқдордаги катализаторлар таъсирида

хлорацетиллаш, олинган хлорацетил бирикмаларнинг м-крезол, цитизин, псевдоэфедрин билан реакцияларини олиб бориш усуллари келтирилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор аминофенол изомерларининг хлорацетилхлорид билан реакциялари паст ҳароратларда олиб борилганда селектив N-хлорацетил, юқори ҳароратда эса N- ва O-хлорацетил маҳсулотлар ҳосил бўлиши кўрсатилди.

2. Аминофенол изомерларининг хлорацетиллаш реакцияларидаги реакция кобиляцияларининг o-аминофенол < m-аминофенол < p-аминофенол каторида ортиб бориши кўрсатилди.

3. 4-Гидроксиацетанилиднинг хлорацетилхлорид билан катализаторсиз ва кам миқдордаги Льюис кислоталари ( $FeCl_3$ ,  $MoCl_5$ , ТАА) билан реакциялари амалга оширилди, бунда катализаторсиз эритувчилар иштирокида O-хлорацетил, катализаторлар иштирокида эса O- ва C-хлорацетил маҳсулотлар ҳосил бўлиши аниқланди.

4. Илк маротаба аминофенол изомерлари N-хлорацетил бирикмаларининг псевдоэфедрин, цитизин алкалоидлари билан реакциялари ДМФА да олиб бориш натижасида юқори унум билан маҳсулотлар ҳосил бўлиши аниқланди ва реакцияларнинг механизми таклиф этилди.

5. Синтез қилинган моддалардан N-(2-гидроксифенил)-2-(m-толилокси)ацетамид, 2-Хлор-N-(3-гидроксифенил)ацетамид ва 2-хлор-N-(4-гидроксифенил)ацетамиднинг *Bacillus subtilis* ва *Staphylococcus aureus* граммусбат, *Pseudomonas aeruginosa*, *Escherichia coli* грамманфий бактерияларга қарши бактерицидлик, шунингдек *Candida albicans* патоген замбуруғига қарши фунгицидлик фаолликларини намоён қилиши аниқланди.

6. N-(4-гидроксифенил)-2-(m-толилокси)ацетамид ва N-(3-гидроксифенил)-2-(m-толилокси)ацетамиднинг саноат қурилмаларида коррозия келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши фаолликни намоён қилиши аниқланди ва қўллаш учун тавсия қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019K.01.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ЮСУФОВ МУХРИДДИН САИДОВИЧ**

**ХЛОРАЦЕТИЛИРОВАНИЕ ИЗОМЕРНЫХ АМИНОФЕНОЛОВ И  
СИНТЕЗЫ НА ОСНОВЕ ПОЛУЧЕННЫХ ПРОДУКТОВ**

**02.00.03-Органическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.3. PhD/K118.

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.ik-kimyo.nuuz.uz](http://www.ik-kimyo.nuuz.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Абдушукуров Анвар Кабирович  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Максумов Абдухамид Гафурович  
доктор химических наук, профессор

Якубов Убайдулло Мажитович  
кандидат химических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** Ташкентский фармацевтический институт


Защита диссертации состоится «02» февраля 2021 года в «10<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: [d.gafurova@nuu.uz](mailto:d.gafurova@nuu.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за №5 (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: [chem0102@mail.ru](mailto:chem0102@mail.ru)).


Автореферат диссертации разослан «18» января 2021 года.

(реестр протокол рассылки № 1 от 18 января 2021 года).



 **Х.Т. Шарипов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.х.н., профессор

 **Д.А. Гафурова**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.х.н.

 **Т.С. Холиков**  
Заместитель председателя научного семинара  
при научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.х.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире широко используются антибактериальные и анальгетические вещества, синтезированные на основе ароматических углеводов, фенолов и их эфиров, производных карбоновых кислот в фармацевтике; соединения, содержащие такие активные группы как галоген, гидроксильная и метиламино группы, применяются в сельском хозяйстве в качестве фунгицидов. Также ароматические аминосоединения используются в лакокрасочной, нефтегазовой и химической отраслях. Особое значение в синтезе этой категории средств имеют важную роль реакции хлорацетилирования ароматических соединений.

На сегодняшний день в мире проводятся целенаправленные исследования по хлорацетилированию фенолов, ароматических углеводов, гетероциклических соединений хлорацетилхлоридом. В частности являются актуальными разработка эффективных механизмов получения реагентов для асимметрического синтеза, субстратов и катализаторов, создание препаратов, проявляющих активность против диабета и онкологических заболеваний, иммуностимуляторов, синтез соединений с бактерицидными свойствами против патогенных микроорганизмов.

В республике на основе производных анилина и фенола проводится широкий комплекс исследований по синтезу высокоэффективных лекарственных средств для применения в сельском хозяйстве и медицине, в результате чего достигнуты значительные успехи в создании конкурентоспособных лекарственных средств как на основе природного сырья, так и синтетических органических соединений. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи "разработка сельскохозяйственной продукции, устойчивой к болезням и вредителям, а также высокой продуктивности, расширение необходимых для этого научно-исследовательских работ". В связи с этим большое значение имеют научно-практические исследования, направленные на хлорацетилирование изомеров аминофенолов и проведение реакций нуклеофильного обмена на основе полученных продуктов, определение их особенностей в строении, создании биологически активных веществ на их основе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 года № УП-5707 «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019 – 2021 годах», Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология» от 6 ноября 2020 года №ПП-4884 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания», а



также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

